



“SHIMOLIY MINTAQALARDA QISHLOQ XOJALIGINI RIVOJLANTIRISHNING DOLZARB MASALALARI VA ULARNING INNOVATSION ECHIMLARI” mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya



УЎК: 633.161-633.162;631.527.4

АРПАНИ СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИ ЮҚОРИ БЎЛГАН НАВ ВА ГЕНОТИПЛАРИНИ ТАНЛАШ

¹Акбаров Акрамжон Қахрамонович

²Куйлиев Нурислом Даврон ўғли

¹таянч докторант, Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институти

²Қишлоқ хўжалик фанлари бўйича фалсафа доктори, катта илмий ходим, Жанубий деҳқончилик илмий тадқиқот институти

Тел: +998973145648

e-mail: akramjonakbarov2022@gmail.com

<https://doi.org/10.5281/zenodo.19233764>

Аннотация: Ушбу мақолада Қашқадарё вилояти иқлим шароитида етиштирилган арпанинг 20 та нав ва генотипларида дон сифати кўрсаткичлари ўрганилди. Тадқиқот давомида арпанинг 1000 дона дон вазни, дон натураси ва дон оксили каби муҳим сифат белгилари таҳлил қилинди. Тадқиқот объекти сифатида 3 та андоза “Воҳа”, “Қизилқўрғон” ва “Ихтиёр” навлари ва 17 та тизмалар олинди. Тадқиқотда натижалар асосида нав ва генотипларнинг маҳсулдорлик ва дон сифати бўйича фарқлари аниқланиб, ҳудуд шароитига мос ва истиқболли намуналар танлаб олинди, яъни 1000 дона дон вазни ва оксил миқдори бўйича KR19_SEL50-26, KR17BRaqYT-P-29 (Осиё), KR18_IBYT-1, Kr_Arpa_2016-4_(Султон), KR18_IBYT-3 ва KR19_SEL50-23 генотиплари андоза навларда юқори эканлиги таҳлиллар натижасида аниқланди. Тадқиқот натижалари арпа селекцияси ва юқори сифатли дон етиштиришда илмий асос сифатида хизмат қилади.

Калит сўзлар: Арпа, нав, тизма, 1000 дона дон, оксил, натура, танлаш, бошланғич ашё.

Аннотация: В данной статье изучены показатели качества зерна у 20 сортов и генотипов ячменя, выращенных в климатических условиях Кашкадарьинской области. В ходе исследования проанализированы важные качественные характеристики ячменя, такие как масса 1000 зерен, тип зерна и содержание белка в зерне. В качестве объекта исследования были взяты 3 стандартных сорта «Оха», «Кызылкурбан» и «Ихтиёр», а также 17 линий. На основе результатов исследования были выявлены различия в продуктивности и качестве зерна сортов и генотипов, а также отобраны перспективные образцы, подходящие для региональных условий, а именно, следующие генотипы оказались превосходящими по массе 1000 зерен и содержанию белка: KR19_SEL50-26, KR17BRaqYT-P-29 (Азия), KR18_IBYT-1, Kr_Arpa_2016-4_(Султан), KR18_IBYT-3 и KR19_SEL50-23. Результаты исследования служат научной основой для селекции ячменя и выращивания высококачественного зерна.

Ключевые слова: Ячмень, сорт, гребень, 1000 зерен, белок, вид, отбор, исходный материал.

Annotation: In this article, grain quality indicators were studied in 20 barley varieties and genotypes grown in the climatic conditions of the Kashkadarya region. During the study, important quality characteristics of barley, such as 1000-grain weight, grain type and grain protein, were analyzed. 3 standard varieties “Okha”, “Kyzylkurban” and “Ikhtiyor” and 17 lines were taken as the object of the study. Based on the results of the study, differences in productivity and grain

quality of varieties and genotypes were identified, and promising samples suitable for regional conditions were selected, namely, the following genotypes were found to be superior in terms of 1000-grain weight and protein content: KR19_SEL50-26, KR17BRaqYT-P-29 (Asia), KR18_IBYT-1, Kr_Arpa_2016-4_(Sultan), KR18_IBYT-3 and KR19_SEL50-23. The research results serve as a scientific basis for barley selection and high-quality grain cultivation.


Key words: Barley, variety, ridge, 1000 grains, protein, kind, selection, starting material.

Кирриш. Республикамизда бошоқли дон екинлари қарийиб суғориладиган майдонларни 70 % ни ташкил қилади, лалмикор майдонларни 90 % га буғдой, арпа екилиб ҳосил олиниб келинмоқда лекин олинган ҳосилни сифат дарижаси қониқарли эмас, шу босидан экиладиган бошоқли дон екинларини сифати юқори бўлган навларини яратиш мақсадида кузги арпанинг 20 та нав ва тизмалари экиб ўрганилди.

Арпа муҳим озиқ-овқат, ем-ҳашак ва техникавий экин. Унинг донидан арпа ёрмаси, переловка, ун тайёрланади. Арпа уни буғдой ёки жавдар унига қўшилиб нон ёпишда ишлатилади. Арпа солодидан ажратиб олинган экстракт моддалари медицина, кондитерлик, тўқимачилик ва тери пишириш саноатида фойдаланилади [1].

Тадқиқот услублари: Фенологик кузатув, дала ва лаборатория таҳлиллари «Бутунроссия Ўсимликшунослик илмий-тадқиқот институти услуби» (1984 й), маълумотларнинг статистик таҳлили Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» (1985 й) усулидан фойдаланилди.

Тадқиқот натижалари: Ўрганилган 20 та нав ва генотипларимизни 1000 дона дон вазни лаборатория шароитида таҳлил қилинганда ўртача 33,3 гр дан 47,6 гр гача эканлиги аниқланди, бунда андоза “Воха”, “Қизилқўрғон” ва “Ихтиёр” навларини 1000 дон дон вазни 37,1 ва 43 гр гача эканлиги лаборатория таҳлиллари натижасида аниқланди. Андоза навларидан 1000 дон дон вазни юқори бўлган генотиплар қуйдагил KR19_SEL50-26 генотипи 46,6 гр, KR17BRaqYT-P-29 (Осиё) генотипи 46,8 гр, KR18_IBYT-1 генотипи 46,6 гр, Kr_Arpa_2016-4_(Султон) генотипида 47,4 гр, KR18_IBYT-3 генотипи 45,9 гр ва KR19_SEL50-23 генотипи 47,6 гр ташкил қилиб, андоза навларга нисбатан 2,9 гр дан 4,6 гр гача юқори эканлиги натижада аниқланди (1-расм).





**“SHIMOLIY MINTAQALARDA QISHLOQ XOJALIGINI
RIVOJLANTIRISHNING DOLZARB MASALALARI VA
ULARNING INNOVATSION ECHIMLARI”
mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya**



1-расм. Кузги арпа нав ва генотипларининг 1000 дон донвазни гр (Қарши 2023-2025 йй)

Арпа навларини танлашда ҳосил элементларининг юқори бўлиши 1000 дон донвазига боғлиқ бўлади, бунда 1000 дон донвазининг юқори бўлиши донларнинг йириклиги билан ифодаланади. 1000 дон донвазни доннинг йириклиги ва тўлалигини билдирадиган кўрсаткичдир. Бу наводорлик белгиси бўлиб, шунинг билан биргаликда кучли даражада тўлишиш давридаги иқлим шароитга боғлиқдир [2].

Натижаларига кўра, кузги арпанинг дон натураси ва сифат кўрсаткичлари таҳлил қилинганда дон натураси кўрсаткичи ўртача йиллар ва қайтариқлар бўйича ўртача 631,1 гр/л дан 720,2 гр/л бўлганлиги лаборатория таҳлиллари натижасига кўра аниқланди. Андоза навларига нисбатан дон натураси юқори бўлган генотиплар сони 6 тани ташкил қилди (1-жадвал).

1-жадвал

**Кузги арпа нав ва генотипларининг дон натураси, гр/л ва оксил миқдори, %
кўрсаткичлари**

№	Номи ва келиб чиқиши	Дон натураси, гр/л	Оксил миқдори, %
1	Воҳа (андоза)	691,55	12,5
2	KR18_BYT_Naz-17	674,20	13,6
3	KR18_IBYT-2	674,03	12,0
4	KR19_SEL50-26	720,19	14,5
5	Kr_Arpa_2016-4_(Султон)	710,16	14,0
6	KR18_BYT_Naz-19	668,36	13,3
7	KR18_IBYT-3	712,04	15,5
8	KR19_SEL50-27	638,49	12,2
9	Қизилқўрғон (андоза)	674,99	12,0
10	KR18_BYT_Naz-7	659,40	12,3
11	KR19_SEL50-13	651,07	12,7
12	KR19_SEL50-40	659,03	11,6
13	Ихтиёр (андоза)	680,22	11,9
14	KR18_BYT_-14	672,84	11,7
15	KR19_SEL50-22	667,40	11,4
16	KR19_SEL50-41	651,23	13,0
17	KR17BRaQYT-P-29 (Осиё)	711,95	17,4
18	KR18_IBYT-1	705,19	15,6
19	KR19_SEL50-23	706,36	14,8
20	KR19_SEL50-42	631,11	13,8
Ўртача кўрсаткич		678,0	13,3
Энг юқори кўрсаткич		720,2	17,4
Энг паст кўрсаткич		631,1	11,4



“SHIMOLIY MINTAQALARDA QISHLOQ XOJALIGINI RIVOJLANTIRISHNING DOLZARB MASALALARI VA ULARNING INNOVATSION ECHIMLARI” mavzusidagi Respublika ilmiy-amaliy konferensiya



Дон натураси 1 литр ҳажмдаги дон оғирлигига айтилади. Бунда дон натурасининг юқори бўлиши, ҳосилдорлик билан коррелятив боғлиқ бўлади. Дон натураси ва 1000 дон дон вазни ҳамда арпа донининг таркибидаги оксил миқдори ўстириш шароитига, қўлланилган агротехника усуллари, навга, ва бошқа омилларга боғлиқ бўлади [3].

Кузги арпа нав ва генотипларининг сифат кўрсаткичларидан дондаги оксил миқдорини ўрганганимизда ўртача 11,4 - 17,4 % гача бўлганлиги аниқланди, андоза навларининг оксил миқдори 11,9 - 12,5 % гача бўлган бўлса, ундан юқори бўлган генотиплари KR19_SEL50-26 генотиби 14,5 %, KR17BRaqYT-P-29 (Осиё) генотиби 17,4 %, KR18_IBYT-1 генотиби 15,5 %, Kr Арпа_2016-4 (Султон) генотипида 14 %, KR18_IBYT-3 тизмаси 15,5 % ва KR19_SEL50-23 тизмаси 14,8 % ташкил қилганлиги аниқланди.

Хулоса қилиб айтганда, тадқиқот натижаларига кўра, Қашқадарё вилояти шароитида ўрганилган арпанинг 20 та нав ва генотиплари орасида 1000 дон дон вазни, дон натураси ва дондаги оксил миқдори каби муҳим сифат кўрсаткичлари бўйича андоза навлардан юқори натижа кўрсатган тизмалар аниқланди. Ушбу тизмалар юқори сифатли дон ҳосилини шакллантириш қобилиятига эга эканлиги билан ажралиб турди. Шунингдек, улар селекция ишларида истиқболли манба сифатида баҳоланиб, келгусида янги ва серҳосил арпа навларини яратиш учун бошланғич ашё сифатида танлаб олинди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Аманов М.А. Водный режим и засухоустойчивость пшеницы и ячменей в онтогенезе условиях равнинно-холмистой богары Узбекистана. Автореферат диссертации. //Киев, 1966 г.

2. О.А.Аманов, Ш.Д.Дилмуродов ва бошқалар. “Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудларида бошоқли дон экинлари селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологияларининг ҳолати ва ривожлантириш истиқболлари”. Халқаро илмий-амалий конференция.– 2018 й – Б 27-28

3. Болкиев З. Т. и др. Выбор перспективных сортов ячменя в богарных областях //фундаментальные основы инновационного развития науки и образования. – 2019. – С. 52-54.